

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ХАЛҚАРО ТРАНСПОРТ КОРИДОРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ СИЁСАТИ ВА ТРАНЗИТ ТАШУВЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ҲУСУСИДА

Рустамов Жавоншер Истамжон ўғли

*Транспорт коридорлари йўналиши бўйича мустақил тадқиқотчи,
электрон почта манзили: rustamov.javonsher.92@gmail.com*

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон иқтисодиётида муҳим транспорт коридорларидан фойдаланиш аҳволи, транспорт хизматларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши таҳлили қилинган. Шунингдек, мавжуд транспорт коридорлари орқали ташилган транзит юкларнинг ҳажми йиллар кесимида таҳлил қилиниб, Ўзбекистон учун транзит юк ўтказиш иқтисодиёт учун самарали восита эканлиги тўғрисида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: товарлар экспорти, ялпи ички маҳсулот, транзит, транспорт коридорлари, транспорт хизматлари, транзит юклар, ТРАСЕКА.

О политике Республики Узбекистан в развитии международных транспортных коридоров и тенденциях, связанных с транзитными перевозками

Аннотация

В данной статье анализируется состояние использования важных транспортных коридоров в экономике Узбекистана, доля транспортных услуг в валовом внутреннем продукте. Также за прошедшие годы был проанализирован объем транзитных грузов, перевозимых по существующим транспортным коридорам, и предоставлена информация о том, что транзитные грузы являются эффективным инструментом экономики Узбекистана.

Ключевые слова: экспорт товаров, валовой внутренний продукт, транзит, транспортные коридоры, транспортные услуги, транзитные грузы, ТРАСЕКА.

On the policy of the Republic of Uzbekistan in the development of international transport corridors and trends related to transit transportation

Abstract

This article analyzes the state of use of important transport corridors in the economy of Uzbekistan, the share of transport services in the gross domestic product. Also, over the past years, the volume of transit cargo transported along existing



transport corridors has been analyzed, and information has been provided that transit cargo is an effective tool for the economy of Uzbekistan.

Keywords: export of goods, gross domestic product, transit, transport corridors, transport services, transit cargo, TRACECA.

Ҳар бир мамлакат иқтисодиётида транспорт хизматлари муҳим ўрин тутади. Аксарият ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда транспорт хизматлари экспорти миллий иқтисодиётнинг энг муҳим экспорт тармоқларидан бири ҳисобланади. Транзит мамлакатларда ички логистика ва транспорт хизматларининг соғ экспорти ЯИМга катта ҳисса қўшади: Литва – 14%, Полша – 15%, Германия – 17%, Сингапур – 37%¹.

Шунингдек, географик жиҳатдан стратегик ҳудудда жойлашган Сингапур – 10,7 млрд АҚШ доллар, Панама – 2,67 млрд доллар, Миср – 5,84 млрд. доллар, Нидерландия – 11,2 млрд. доллар, Германия – 7,4 млрд.доллар миқдорида транзит ўтказишдан фойда қўради².

Кўрсатилган транспорт хизматлари ҳажми ва транспорт хизматлари экспорти республика ялпи ички маҳсулотини ташкил этувчи ва миллий иқтисодиётни ривожлантиришини тавсифловчи кўрсаткичлар ҳисобланади (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистоннинг макроиқтисодий кўрсаткичлари³

Кўрсатгич номи	2021 й.	2022 й.	2023 й.	ЯИМ улуши (2023)
Жорий нархларда ишлаб чиқариш усулида ҳисобланган ялпи ички маҳсулот, миллий валютада, млрд. сўм	738 425,2	896 617,9	1 066 569,0	
Саноат тармоқларининг ялпи қўшилган қиймати, млрд	686 432,4	836 839,7	1 008 423,1	94,5%
Қишлоқ, ўрмон хўжалиги ва балиқчилик	181 787,7	208 809,2	245 222,5	22,9%
Саноат	186 978,2	225 771,2	262 824,2	24,6%
Курилиш		45 557,4	54 286,4	62 554,2
				5,9%

¹ Королева А., Дутина А. Моделирование и прогнозирование экспорта транспортных услуг. Банкаўскі веснік, Снежань 2016. – 56 с. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://docplayer.ru/47428599-Modelirovaniye-i-prognozirovaniye-eksporta-transportnyh-uslug.html>.

² Жаҳон банки маълумоти <https://www.vsemirnyjbank.org/ru/home>

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги статистика агентлиги <https://stat.uz/uz/>

Хизматлар, шу жумладан:	272 109,1	347 972,9	437 822,2	41%
<i>Ташиши ва сақлаши (транспорт хизматлари)</i>	36 257,7	43 934,3	56 730,1	5,3%
<i>Aхборот ва алоқа</i>	11 676,6	16 092,8	21 103,0	1,9%

Мамлакат ялпи ички маҳсулотида хизматлар етакчи ўринни эгаллаб, 2023 йилда уларнинг улуши **41** фоизни ташкил қилган. (1-жадвал).



1-расм. Ўзбекистон Республикаси ЯИМда транспорт хизматлари улуши 2010-2023 йилларда

Ўзбекистон иқтисодиётида транспорт хизматларининг улуши пасайиш тенденциясига эга. 2023 йилда юк ташиш ва сақлаш соҳасидаги хизматларнинг ялпи қўшилган қийматининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши **5,3** фоизни ташкил этди ва 2014 йилдан бери камайиш ҳолати кузатилмоқда.

Ялпи ички маҳсулотда юк ташиш ва сақлаш соҳасидаги хизматларнинг улуши камайиши давом этаётган бир вақтда хизматлар ялпи қўшилган қийматининг 2021 йилдаги **36,8** фоизли кўрсатгичдан 2023 йилда **41** фоизгача кўпайиши кузатилган. Бу эса иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ва бошқа тармоқлардаги хизматлар етакчилигидан далолат беради.

Транспорт хизматлари экспортида транзит муҳим ўрин тутади, бу эса мамлакатга катта валюта тушумларини келтириб чиқаради ва ташқи интеграция алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Хизматлар экспортининг умумий ҳажмида транспорт хизматлари энг катта улушни – 2022 йилда **43,9%** эгаллайди. (2-жадвал). Шундай қилиб, транспорт хизматлари экспортида темир йўл транспортида юк ташиш **12,6**

фоизни ташкил қилиб, асосий даромад манбасидан бири сифатида қолмоқда.

2-жадвал

Товар ва хизматлар экспорти кўрсаткичлари, минг доллар⁴.

Кўрсаткич номи	2020 й.	Улуши	2021 й.	Улуши	2022 й.	Улуши
Товарлар ва хизматлар, товарлар экспорти – жами, минг доллар:	15102,3		16662,8		19293,7	
Хизматлар экспорти:	2005,0	13,2%	2581,7	15,4%	4017,8	20,8%
Транспорт хизматлари экспорти - жами, минг доллар	1426,1	71,2%	1744,1	67,5%	1765,9	43,9%
Шу жумладан:						
Темир йўл транспорт хизмати - жами, минг доллар	578,9	28,8%	571,8	22,1%	509,2	12,6%
Автомобиль транспорти хизмати жами, минг доллар	31,1	1,5%	38,9	1,5%	43,6	1,1%
Автомобилда юк ташиш	31,1	1,5%	37,6	1,4%	41,0	1,0%
Хаво транспорти хизмати – жами, минг доллар:	203,7	10,1%	388,4	15,0%	471,1	11,7%
Қувур йўли орқали юк ташиш	575,5	28,7%	695,6	26,9%	682,7	16,9%


Юқоридагилардан келиб чиқадикиган хулоса шуки, темир йўл транспортининг асосий фойдаси ички ва давлатлараво юк ташишдан келади. Давлатлараво юк ташиш, ўз навбатида, импорт, экспорт ва транзит ташишларга бўлинади. Ички, импорт ва экспорт транспорти маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш воситасидир.

Шундай қилиб, энг муҳим даромад манбаи транзит транспортидир. 2010 йилдан 2012 йилгача (2-расм) ташилган транзит юкларнинг ҳажми **10 551 минг тоннадан 11 377 минг тоннагача ўзгариб туради** ва 2013 йилдан бошлаб транзит юкларни ташиш ҳажми кескин пасайиб, 2013 йилда **8 241,2 минг тоннани ташкил этиб**, бу 2012 йилга нисбатан **3 135,7 минг тоннага ёки 27,6 фоизга камайган**. 2019 йилда транзит ташиш ҳажми **7 000 минг тоннани ташкил этган**, бу 2012 йилдаги ўсиш чўққисига нисбатан **4 377 минг тоннага кам хисобланади**.

2023 йил якунига кўра, Ўзбекистон Республикаси худуди бўйлаб ташилган транзит юклар (автомобиль ва темир йўл транспорти) ҳажми **11,3 минг тоннани ташкил этган бўлиб**, темир йўл транспорти орқали **9,2 минг тонна** (юкларнинг умумий ҳажмига нисбатан **81,3 %**), автомобиль

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги статистика агентлиги <https://stat.uz/uz/>

транспорти орқали – 2,1 минг тонна (юкларнинг умумий ҳажмига нисбатан 18,7%) ни ташкил қилган⁵.



2-расм. Темир йўл транспортида ташилган транзит юклар ҳажми


Шунингдек, 2020-2022 йилларда темир йўл орқали транзит юк ўтказиш ҳажми 2 000-3 000 минг тоннага ошган бўлиб, бунга сабаб бутун дунё бўйлаб авж олган COVID-19 эпидемияси билан, яъни касалликни кучайиб кетишини олдини олиш мақсадида давлатларда жорий қилинган карантин қоидалари билан боғлиқ. Касалланганлар сони ортиб кетишини олдини олиш мақсадида фуқароларнинг ҳаракатланиши чекланган. Бу ўз навбатида автотранспорт воситасида юкларни ташишга, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси худудидан транзит ўтказишга таъсир ўтказмасдан қолмаган (3-расм⁶).

Темир йўл транзит юклари ҳажмининг камайиши Ўзбекистонни айланиб ўтувчи транспорт коридорларининг мавжудлиги туфайли юк оқими йўналишининг ўзгариши билан боғлиқ.

Бу муаммонинг ечими Ўзбекистон Шимол-Жанубни ва Farrell Европа ва Жанубий-Шарқий Осиёни боғловчи Марказий Осиё минтақасининг марказида жойлашганлигини инобатга олиб, транспорт сиёсатида асосий эътиборни транзит юк ўтказиш масаласига эътибор қаратган ҳолда тўғри ишлаб чиқилган транзит сиёсати бўлиши мумкин.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги статистика агентлиги <https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-goskomstata/46976-o-zbekiston-respublikasi-hududi-orgali-5-0-mln-tonna-tranzit-yuklari-tashilgan-2>

⁶ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги божхона қўмитаси маълумотига асосалан тайёрланган. <https://customs.uz/uz/>



3-расм. Автотранспорт воситасида транзит юк ташиш ҳажми (минг тоннада)

Транспорт коридорларидан фойдаланиш ва иқтисодиётдаги ўрнини баҳолашда мавжуд статистик маълумот етарли ҳисобланмайди, чунки, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида яширин иқтисодиётнинг улуши юқориличча қолмоқда.

Экспертларнинг фикрига қўра, 2018 йилда ялпи ички маҳсулотда яширин иқтисодиётнинг улуши **50 фоиздан** кўпроқни⁷, 2019 йилда **52,11 фоизни** ташкил этган⁸. 2023 йилда Ўзбекистон ЯИМнинг қарийб **40 фоизи** ёки 32 миллиард АҚШ долларини яширин иқтисодиёт ташкил этган⁹. Маълумотларга қараганда Ўзбекистонда яширин иқтисодиётнинг улуши 2003 йилда – **35 фоиз**, 2007 йилда – **50 фоиз**, 2011-2017 йилларда – **45–50 фоиз** атрофида бўлганини кўриш мумкин.

Ушбу рақамларда транспорт хизматлари, транспорт коридорларидан фойдаланиш орқали топилаётган маблағларнинг улуши ҳам юқори.

Ўзбекистон Республикаси Шанҳай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) доирасида ўз манфаатларидан келиб чиқиб, барча аъзо давлатлар манфаатларига зид бўлмаган транспорт коридорларини ривожлантириш ва мавжуд муаммоларни ташкилот доирасида ҳал қилишга аҳамият берib келмоқда.

2018 йил 19 сентябрда Тошкентда ташкил этилган ШХТга аъзо давлатлар темир йўл маъмуриятлари раҳбарларининг биринчи учрашуви доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқаро транспорт йўлаклари

⁷ Яширин иқтисодиёт улуши Ўзбекистон ЯИМнинг 50 фоиздан кўпрогини ташкил этмоқда. <https://www.gazeta.uz/uz/2018/01/12/yashirin-iqtisodiyot/>

⁸ Ўзбекистон яширин иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши бўйича Марказий Осиёда биринчи ўринда <https://www.gazeta.uz/uz/2021/06/30/economy/>

⁹ Ўзбекистон соя иқтисоди нима ва у қандай пайдо бўлган? <https://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan-68017946>

тизимида Марказий Осиё: Стратегик истиқболлар ва амалга оширилмаган имкониятлар” халқаро конференциясининг очилиш маросимидағи мурожаатида минтақа мамлакатларининг халқаро тизимга интеграциялашувига тұсқынлик қилувчи омиллар сифатида транзит ва божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш, минтақа давлатларининг транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш, самарали транспорт йўлакларини шакллантириш бўйича ягона қараш ва ёндашувларнинг йўқлиги келтирилган¹⁰.

Украинадаги сўнгги воқеалар, шунингдек, иқтисодиётнинг жадал ривожланиши, Сувайш каналининг ўтказувчанлигининг тушиши, Евросиёдаги асосий дунё портларининг бандлиги ва юкларни етказиб бериш тезлигини ошириш зарурати туфайли Европа ва Хитой учун транспортни қайта йўналтириш ва қуруқликдаги трансконтинентал йўналишларда логистикани ривожлантириш бўйича ишларни кучайтиromoқда.

Шу билан бирга, сўнгги пайтларда юклар Хитой портлари (Шанхай, Тсиндау ва бошқалар) терминалларидан автомобиль ва темир йўл транспорти орқали ўз вақтида олиб чиқилмаганлиги сабабли порт акваториясига кира олмаётган денгиз кемалари тўпланиши кузатилмоқда.

Амалга оширилаётган ишлар натижасида юк оқимларини қуийдаги йўналишлар бўйича темир йўл транспортига йўналтиришга уринишлар кузатилмоқда:

- АТР-Хитой-ТРАСЕКА / ТМТМ/бтк-ЕИ;
- АТР-Хитой-Қирғизистон (автоматик транспорт)-Ўзбекистон-Туркманистон-Эрон-Туркия-ЕИ;
- АТР-Хитой-Тожикистон (автомобил транспорти)-Ўзбекистон-Туркманистон-Эрон-Туркия-ЕИ;
- АТР-Хитой-Қирғизистон-Тожикистон-Афғонистон-Эрон (автоматик транспорт – дастлабки босқич).

Мазкур йўналишларнинг ривожланишига асосий сабаб, АҚШ томонидан Россияни иқтисодий заифлашишига таъсир ўтқазиши бўлиб, бу жараёнда Хитой, Европа Иттифоқи, Кавказ, Қозоғистон мамлакатлари фаоллашганлиги кузатиш мумкин.

Бундай вазиятда бошқа мамлакатлар манфаатлари йўлида бошланган бир қатор лойиҳалар фаоллаштирилмоқда.

Масалан, ТРАСЕКА, ТМТМ, Лазурет йўлаги, Шимолий-Жанубий йўлак, беш миллат йўли ва бошқалар.

¹⁰ Приветствие участникам международной конференции «Центральная Азия в системе международных транспортных коридоров: стратегические перспективы и нереализованные возможности» [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://railway.uz/ru/informatsionnaya_sluzhba/novosti/11190/

Жанубий Осиёнинг иқтисодий ривожланган икки давлати – Ҳиндистон ва Покистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан ўзаро савдо айланмаси барқарор ўсиш суръатларини кўрсатмоқда, ўз навбатида бу транспорт йўлларининг ривожланишига хизмат қилади.

Шу билан бирга, 2017 йилда Ҳиндистон ва Покистон ШХТга тўлақонли аъзо бўлганини таъкидлаш жоиз, бу савдони ривожлантириш ва транспорт алоқаларини ривожлантириш учун рағбат ҳисобланади¹¹.

Ўзбекистон минтақадаги транспорт тизимига бўлган эҳтиёжидан, шунингдек минтақада ўзининг ҳам геосиёсий ва геоиқтисодий аҳамиятини яхшилаш мақсадида бугунги кунда йирик лойиҳаларда иштирок этиш, бу борада ташаббусларни қўлга олиш учун тегишли сиёsatни олиб бормоқда.

Хусусан, нафақат Ўзбекистон учун, балки иккита катта ҳудудни боғлаш имкониятига эга лойиҳа – Ўзбекистон-Афғонистон-Покистон (Трансафғон) коридорини ишга тушириш доирасида фаолият кўрсатмоқда.

Покистон-Афғонистон-Ўзбекистон йўлагини қадимий “Буюк Ҳиндистон йўли”нинг қайта тикланиши сифатида кўриш мумкин. Ҳиндистон ва Покистон ўртасида Марказий Осиё ва бошқа давлатлар билан темир йўл алоқаларининг йўқлиги муаммосини ҳал қилишнинг вариантларидан бири Мозори Шариф-Хулм-Пули-Хумри-Доши-Сурабай-Жалолобод-Торхам (Покистон) қурилиши бўлиши мумкин. Мавжуд Торкҳам темир йўл станциясининг (Покистон) аҳамияти унинг Араб денгизидаги йирик портга чиқиш ва Ҳиндистон темир йўл тармоғига уланишидир.

Янги темир йўл линиясининг қурилиши Россия, Европа Иттифоқи мамлакатлари ва бошқа мамлакатларда, шунингдек, Евроосиё иқтисодий маконини жанубга тарғиб қилиш ва ушбу йўналишдан транзит ташишда фойдаланиш нуқтаи назаридан қизиқиши уйғотиши мумкин.

Мозори Шариф (Афғонистон) ва Торхам станцияларида (Покистон) интермодал ташишларни (темир йўл ва автомобил транспортида) ташкил этиш учун логистика марказларининг ташкил этилиши ушбу йўналишдаги юкларни ташишга қизиқиши уйғотади¹².

Статистик маълумотларга кўра, 2022 йилда мазкур коридор орқали ташилган (экспорт, импорт, транзит) юклар ҳажми **5 028 минг тоннани**, 2023 йилда эса **5 436,3 минг тоннани** ташкил қилган (4-расм).

¹¹ Xi proposes reviving Silk Road glory. [Электронный ресурс]: <http://www.globaltimes.cn/content/809615.shtml>.
Доступ 03.12.2018

¹² Ибрагимов У. Н. Мультимодальные перевозки – один из этапов стабильного развития транзитного железнодорожного коридора Китай–порты Персидского залива // Сборник материалов научно-технической конференции с участием зарубежных учёных «Транспортная логистика, мультимодальные перевозки». – Ташкент: ТашИИТ, – С. 53–54



4-расм. Трансафғон транспорт коридори орқали ташилган юклар ҳажми (минг тонна)

Ушбу ташилган юкларнинг 2022 йилда 4 309,32 минг тоннаси, 2023 йилда 4 522,18 минг тоннаси темир йўл орқали ташилган (5-расм).

Ушбу рақамлар орқали Трансафғон транспорт коридори орқали темир йўл қуриш лойиҳаси Ўзбекистон миллий манфаатлари учун хизмат қилишини кўриш мумкин.

Шу билан бирга, Хитой ва Ўзбекистон темир йўлларини Қирғизистон орқали боғламай туриб, таклиф этилаётган Мозори Шариф-Ҳирот темир йўлининг Қозогистон-Туркманистон-Эрон темир йўли билан рақобатлашиши жуда қийин бўлади.



5-расм. Трансафғон транспорт коридори орқали темир йўлда ташилган юклар ҳажми (минг тонна)

Шу ўринда маълумот учун таъкидлаш лозимки, ҳар йили Хитой, Жануби-Шарқий Осиё ва Европага 23 миллиондан ортиқ контейнер ташилади. Бироқ,

уларнинг атиги 1% темир йўл, 99% дengиз орқали ташилади. Шундай бўлишига қарамай, жаҳондаги сиёсий вазиятнинг ўзгариши ортидан дengиз орқали ташишдан қуруқлик орқали ташишга ўтиш жараёни бошланган, бироқ темир йўллар тармоғининг етарли даражада ривожланмаганлиги, инфраструктуранинг мавжуд эмаслиги ортидан ушбу имконият қўлдан бой берилиши мумкин.

Бундан ташқари бугунги кунда Европа-Хитой йўналишида 61 та темир йўл, Хитойдан Европага 84 та йўналиш мавжуд. Транзит контейнерларининг 85 фоиздан ортифи Қозогистон орқали ўтади, Россия ва Мўғулистан орқали ташиш ҳажми камайиб бормоқда. Ўсиб бораётган яна бир транзит йўналиши Хитойдан Қозогистоннинг Сариоғаш орқали Марказий Осиё давлатлари ва Афғонистонга йўл олади.

Марказий Осиёнинг географик жойлашуви Хитой учун ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотишда жуда муҳим ўрин эгаллайди. Чунки Марказий Осиёнинг улкан транзит салоҳияти туфайли 2023 йилда Хитойдан **4 192 889** доллардан ортиқ маҳсулот импорт қилинган. ШХТ давлатларидан эса атиги **100 млрд. доллар**. Шу билан бирга, Хитой раҳбари Си Цзиньпин 15 йил ичida Хитой **30 триллион** АҚШ доллари импорт қилишини айтади. Қайд этиш жоизки, Хитойдан Европага юкларни Марказий Осиё орқали ташиш масофаси дengизга қараганда

2 баробар, Россия орқали ўтадиган транспорт йўлаги бўйлаб эса 2,5 баравар қисқа.

Яна муҳим йўналишлардан бири Хитой қуруқликдаги транспорт имкониятларини диверсификация қилишда давом этмоқда. Ушбу жараёнда “Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон” транспорт йўлаги аҳамияти ортмоқда.

Бундай йўлакни қадимги “Буюк ипак йўли”нинг тармоқларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Хитой ва Ҳиндистон узоқ вақтдан бери энг қисқа қуруқлик йўллари орқали Европага чиқишдан манфаатдор. Бу икки буюк давлат темир йўл орқали боғланмаган, Ҳиндистон ва Покистон темир йўллари Марказий Осиё ва бошқа минтақалар темир йўлларига чиқа олмайди¹³.

Бу йўл Хитой учун Марказий Осиё ва Яқин Шарқни боғлайдиган энг истиқболли, энг қисқа йўлдир. Ҳозир Хитой ўз юкларини Европага қўйидаги йўналишлар бўйича етказаяпти:

- Хитой-Монголия-Россия-Беларусь-Европа Иттифоқи – 8650 км;
- Хитой-Қозогистон-Каспий дengизи-Озарбайжон-Грузия-Туркия-Европа Иттифоқи – 9120 км;

¹³ Расулов М.Х., Ибрагимов У.Н., Рахимов Р.В. Проблемы повышения конкурентоспособности отечественных железнодорожных коридоров // Научные труды республиканской научно-технической конференции с участием зарубежных учёных «Ресурсосберегающие технологии на железнодорожном транспорте». – Т.: ТашИИТ, 14–17.

- Хитой-Қозогистон-Туркманистон-Эрон-Туркия-Европа Иттифоқи – 10170 км;

- Хитой-Европа Иттифоқи денгиз йўли 10.000 кмдан ортиқ.

Янги Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон темир йўли мавжуд Туркманистон-Эрон-Туркия ва Европа Иттифоқи йўналиши бўйича давом этиши, масофани 900 кмга, юкнинг йўлдаги вақтини саккиз кунга қисқартириши мумкин.

Россия Украина га қуролли тўқнашувидан кейин Европа Иттифоқи Россияга қарши санкциялар киритди, кўплаб суғурта компаниялари Россия худудидан ўтадиган юкни суғурталашдан воз кечди.

2023 йил октябрида Ҳамаснинг Истроилга ҳужумлари ортидан бошланган Истроилнинг Ғазодаги уруши Қизил денгизда кема қатновини камайтириб қўйди.

Яман Ҳусийларининг Сувайш каналига йўл олган юк кемаларини Қизил денгизда ҳужумга тутишлари оқибатида кемалар Африкани айланиб ўтиш йўлини танлай бошладилар.

Ушбу жаҳон саҳнасида рўй берган воқеалар ўз навбатида мазкур транспорт коридорининг аҳамиятини орттириб, ундан фойдаланишни кенгайтиришга сабаб бўлади.

Хитойнинг Марказий Осиё давлатлари билан савдо алоқалари ривожланмоқда. Расмий маълумотларга кўра, Хитой билан Марказий Осиё мамлакатларининг ўзаро савдолари 2023 йилда рекорд даражага кўтарилиган - **70 миллиард** долларни ташкил этган.

Хусусан, Қозогистон билан **31 миллиард**, Қирғизистон билан **15,5 миллиард**, Туркманистон билан **11,2 миллиард**, Ўзбекистон билан **9,8 миллиард** ва Тожикистон билан **2 миллиард** долларлик савдо қилинган.

Бу ҳам ўз навбатида ушбу транспорт коридорининг аҳамиятини ортишига ва уни амалга ошириш жараёнини тезлаштиришга хизмат қиласди.

Жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган Logistics Performance Index (LPI) кўрсатгичига кўра, Ўзбекистон 2023 йилда 139 та давлат ичида 88-ўринни эгаллаган¹⁴. Мазкур кўрсатгич 2012 йил – 117, 2014 йил – 129, 2016 йил – 118, 2018 йил – 99-ўринларда қайд қилинган¹⁵.

Мазкур кўрсатгичлар дунё давлатларига Ўзбекистоннинг транспорт сиёсатидаги ижобий ўзгаришлардан ҳамда Ўзбекистон ҳудудидан транзит юк ўтказиш жозибадор бўлиб бораётганидан хабар беради.

Бироқ, Жаҳон банкининг маълумотига кўра, Ўзбекистон иқтисодиётида транспорт хизматлари улуши 2020 йилда **58,89** фоиз,

¹⁴ INTERNATIONAL LPI <https://lpi.worldbank.org/international/global>

¹⁵ Очик маълумотлар портали <https://data.egov.uz/search?name=false&text=false&orgname=false&metatags=false&keyword=transport%20&page=2>

2021 йилда **55,75** фоиз, 2022 йилда **31,01** фоиз тушиш қайд қилинган¹⁶. Бу ўз навбатида давлат иқтисодиётида транспорт хизматлари улушининг йилдан йилга камайиб бораётганлигини, бу эса мазкур соҳани ривожлантиришни талаб қилаётганлигини кўриш мумкин.

Давлат транспорт сиёсатида асосий эътибор денгизга чиқишдан ҳам кўра, табиий жиҳатдан имконият берувчи омили (географик жойлашуви) мавжуд эканлигини инобатга олган ҳолда транзитдан иқтисодиётга фойда олиб келиш кун тартибидаги масала эканлигини кўриш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мазкур транспорт коридорлари Ўзбекистон иқтисодиётида асосий омил ҳисобланиб, бевосита давлатнинг халқаро даражадаги нуфузини оширади ҳамда транспорт коридоралидан кенг фойдаланиш орқали иқтисодиёт ривожланишига эришиш мумкин.

Фойдаланилган манбалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги статистика агентлиги <https://stat.uz/uz/>
2. INTERNATIONAL LPI <https://lpi.worldbank.org/international/global>
3. Очик маълумотлар портали <https://data.egov.uz/search?name=false&text=false&orgname=false&metatags=false&keyword=transport%20&page=2>
4. Жаҳон банки <https://prosperitydata360.worldbank.org/en/indicator/WB+WDI+TX+VAL+TRAN+ZS+WT>
5. Расулов М.Х., Ибрагимов У.Н., Рахимов Р.В. Проблемы повышения конкурентоспособности отечественных железнодорожных коридоров // Научные труды республиканской научно-технической конференции с участием зарубежных учёных «Ресурсосберегающие технологии на железнодорожном транспорте». – Т.: ТашИИТ, 14–17.
6. Xi proposes reviving Silk Road glory. [Электронный ресурс]: <http://www.globaltimes.cn/content/809615.shtml>. Доступ 03.12.2018
7. Ибрагимов У. Н. Мультимодальные перевозки – один из этапов стабильного развития транзитного железнодорожного коридора Китай–порты Персидского залива // Сборник материалов научно-технической конференции с участием зарубежных учёных «Транспортная логистика, мультимодальные перевозки». – Ташкент: ТашИИТ, – С. 53–54

¹⁶ Жаҳон банки <https://prosperitydata360.worldbank.org/en/indicator/WB+WDI+TX+VAL+TRAN+ZS+WT>